

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

○ **Узбекистон Республикасининг** Бош вазир Абдулқошим Муталлопов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Эрон Республикасини ташкил қилган ишлар вазирининг ўринбосари Махмуд Воқсийни қабул қилди. Суҳбат чоғида, Узбекистон ва Эрон ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикрлашиб олинди.

○ **Кеча** Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимиз ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати «Тинчлик корпуси» ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ушбу ахдлашувга кўра, «Тинчлик корпуси» Узбекистонга ўз кўнгилликларини юбориб, бизга маориф, олий таълим, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш соҳасида ёрдам беради.

○ **Яна олти район** — Муборак, Касби, Қорқўл, Жарқўрган, Бўз, Анджиқон районлари пахта тайёрлаш юзасидан давлат бююртмасини бажариб, меҳнурят ҳисобига ҳосил топшира бошладилар. Кечгача республикамиз пахтакорлари уйған «оқ олтин» хирмони 3,4 миллион тоннадан ортиб кетди. Ҳозир кўнгиға қабул пунктларига 60 минг тоннага яқин пахта етказиб берилмоқда.

○ **Кеча** Еш ватандошлар халқро аниқлашнинг қатнашчилари Самарқандда бўлиб, Шохи Экида ансамбли, Регистон майдони, Гур Амир ва Имом Ал-Бухорий мақбараларини зиёрат қилдилар. «Сино» ҳиссдорлик бирлашмаси, чинни заводи жамоалари билан учрашдилар. Кечкурун улар Бухорога кўл олдилар.

○ **Тошкентда** Узбекистон — Бошқирдистон қўшма савдо уйи очилди. «Савдолик» деб номланган бу савдо уйи янги йилга қадар Узбекистонга 314 минг тонна ёнгли, 4 минг куб метр турли ёғоч ва тахта, 5 вагон фанер, 3 минг тонна металл прокат, «Москвич» машиналари дегителлари ва турли машиналар етказиб беради.

○ **Узбекистон Республикасининг** яна иккита маркази муамалага чиқарилди. «Хива» деб номланган маркази донеси 50 тийик қийматда 2 миллион нуссада, «Самарқанд» маркази донеси 10 сўм қийматда 500 минг нуссада чоп этилди.

*** Узбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси-умумхалқ муҳокамасида АЛОҲИДА МОДДА КИРИТИЛСА...**

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституцияси лойиҳаси инсон ҳуқуқлари ва миллий мустақиллик асосларини ўзини боғлаган ҳолда давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий негизин белгилаб беради. Унинг маъмунида шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқро ҳуқуқнинг умумий эътирофи этилган қондаларига тўла мувофиқ ҳолда акс эттирилган. Айни вақтда лойиҳада жузъий таҳрирлаб ўринлар ҳам мавжуд.

Жумладан, 18-модданинг биринчи қисмида «Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлардан кейин «Бошқа ҳолатлардан» деган тўлдирини киритиб, кейин яна матн бўйича «қатъий назар қонуни олдида тенгдир» деб давом эттирилса мазмунан аниқ, мантқан муаммал бўлган бўлар эди. Бу ҳолат инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Баёнмасининг 2-моддасига ҳам мос бўлиб тушган бўларди.

Лойиҳанинг 74-моддасида Узбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 150 нафар депутатдан иборат бўлиши кўрсатилган. Бу иккитой ўзгартириш, чуқки кўп сонли парламентдан кўра ҳаракатчан парламент амалда мақсадга мувофиқроқ ва инсонбатан кам сарф-харажатлар талаб қилади. Бироқ, алоҳида парламентни доимий ишловчи органга айлантириш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ақсича, 86-моддани «Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас» деган жумлаларни ўқигандан кейин, дедик Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ҳам бўлар экан, деган мантқан хулоса келиб чиқди. Бинобарин, бу ҳолда Олий Мажлис доимий эмас, ахён-ахён-да йилгилиб, кимлардир тайёрлаб берган ҳужжатларни тасдиқлабгина қўйиш билан шуғулланадиган органга айланиб қолмайми? Тақдирини шуни, лойиҳаси Олий Мажлис доимий фаолият юрғатади», деб алоҳида модда киритилса ўринли бўлар эди.

Омон ОҚЎЛОВ, Узбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.



«Заводприбормаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз касбининг кўлаб фидойилари ишлашади. Ушбу суратда чапдан ўнгга тасвирланган Надежда Баранова, Наталья Филимонова, Гулсина Ахметвалиева ва шуңдай ишчилардан дид. А. Зуфаров (ЎЗА) сурати.

ҲОЛИБЛАРНИ СОВРИНЛАР КУТМОҚДА

«ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бу йил ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлайди. Шу муносабат билан бирлашма насаба уюшмаси комитети барча бўлимлар, цехлар ўртасида корхона тарихин акс эттирувчи деворий газеталар тайёрлаш эълон қилди.

Цех ва бўлимларда чиққан газеталар учун 1, 2, 3-ўринлар берилиб, ҳар бирига алоҳида совринлар топширилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, танлов ғолиблари учун йиллик мукофотлар ажратилган.

Шундай қилиб танлов ғолибларини шу йил 14 ноябрь куни мукофотлар кутари.

Ғофур МАЪДИЕВ.

АЪЗОЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

КЕБИНИГ икки ой мобайнида шахримиздаги Ешлар Иттифоқи аъзолари сонини зиёратлари даражада ўсиб, Биргина Акмал Ибромов районининг ўзида 2300 эш иттифоқи аъзоларига қабул қилинди.

Шуни айтиб ўтиш кераки, аъзоликка қабул қилиниш сўраб ёзилган аризалар сонини ҳозирги кунда кўпаймаган даражада кўпайиб кетди. Бу алоҳида Ешлар Иттифоқи ходимлари иш фаолиятларининг амалий натижаларини десак муболага бўлмайди.

Шонра ХАЛИЛОВА.



○ **Амир Мухаммад** (Афғонистон): — Менинг Тошкент тиббиёт институтида таҳсил олаётганимга уч йил бўлди.

*** Сўз-анжуман қатнашчиларига «ВАТАНИМ» ДЕБ УРГАН ЮРАК**

Шаҳар, унинг одамларига шу даражада урганиб қолганимани, яна бир неча йилдан сўнг Афғонистонга қайтиб кетишимни ўйласам юрагим орғага тортади. Ягона орузим афғондаги ота-онам, қариноқларим билан она юртимиз — Афғонистонга кўчиб келиб, шу ерда яшаш.

○ **Ахмад Мухаммад** (Саудия Арабистони): — Менга Тошкентдаги институт ва дорилфунунлар жуда ҳам ёқди. Укаларимнинг ҳам Афғонистонда таҳсил олишларини истардим.

○ **Санжар** (Афғонистон): — Менда, айниқса, Тошкент давлат техника университети катта таассурот қолдирибди. Бу ерда ўқийдиган талабалар ҳаёти билан танишиб чиққан, ўзини ҳам мана шу талабалар қаторида кўришни жуда-жуда хоҳладим. 1992 йилдан бошлаб Афғонистонда ўзбеклар булган муносабат умуман ўзгарди. Улар энди бизни душмани сифатида эмас, балки яқин дўстидек кўрадилар. Шундай бўлишига қараман «Ватаним» дея ураётган юракка бўйруқ бериб бўлмас экан.

○ **Файзулло Қардош** (Афғонистон радиосининг ўзбек эшимаси дейман). ○ **Одил Қурбон** (Саудия Арабистони): — Дунёнинг турли бурчақларида яшаётган миллатдошларим билан вақти келиб дийдор кўришамиз, деб ўйлаётганим. Аннироғи, умидимизни узиб қўйганим. Еш ватандошларинг Афғонистондаги анжумани кутилмаган роқеа ва шу билан бир қаторда савоб иш бўлди. Мана шуңдай анжуманининг тез-тез йилгилиб туришининг тарафдориман.

Сухбатдош Шайдо ХУДОБЕРОВА.

ҲАМДУСТЛИКДА

○ **Кеча** Олмаотва Қозғистон, Узбекистон ва Қирғизистон президентлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тожикистон томонини илтимоси билан бу мустақил мамлакатдаги вазият муҳокама этилди. Олмаотва учрашувида иштирок этган Узбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Тошкентга қайтиб келди.

○ **Олмаотвада** Қозғистон билан Молдова ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шертнома имзоланди. Молдова Президенти Мирча Снегур бу ерда расмий сафар билан Хитойга учиб кетди.

○ **Кеча** Кремлда Россия Президенти Борис Ельцин Шимолий Осетия Республикаси Олий Кенгашининг расми Ахсарбек Галенов билан учрашди. Унда осетин-ингуш жоғоросини ҳал этиш масалалари муҳокама этилди.

○ **Озарбайжон** прокуратураси бу мамлакатнинг собиқ президенти Абдулмуваппов устидан жиноий иш қўзғатди. У 1992 йил 14—15 майда давлат тўнгаршини ташкил этишда айбланмоқда. Республика ички ишлар вазирлигида Абдулмувапповнинг қидирлаётганлигини эълон қилиш ва уни ҳибсга олиш топширилди.

○ **Таврия** номи билан машҳур 3А3—1102 автомобилларининг нархи икки баравар ошди. У энди 980 минг сўм туради. 3А3—968М автомобилнинг нархи эса 370 минг сўм бўлди.

○ **«КЧП** иши» бўйича айболо ҳужжатлари 140 жилдин ташкил этиб, Уларни шу йил охиригача Россия Олий судига тақдим этиш мўлжалланмоқда. Давлат тўнгаршини уринишда айбланётганлар устидан суд эса келгуси йил баъзгача бошлаини мумкин.

*** Обуна-93**

Муддати узайтирилгани яхши

КЕЛГУСИ йил учун обуна муддати бирмунча узайтирилди. Бу ҳам айрим муштарийлар учун оз бўлсада мадад бўлди. Онларнинг илтидоди тўла ҳисоб-китоб қилиб бўлинган, орттирилган маблағ энг фойдали ишга, яъни обунага сарфланлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Газета ҳам бир таълим ўчоғи десам янглишмасулулмадево, — Айниқса, ўзимнинг «Тошкент оқшомини» Шунинг учун ҳам мен шу газетани обуна бўлишим. Келгуси йилда газета саҳифаларини умидбахш манозга ҳам енгиллик яратган бўладилар. Шу ўринда Рабияга муҳтож бўлган ота-оналарнинг тўтаётган ноқулайлиқлари ҳақида ёзилди, бошқа ўқувчиларини шундай хатолардан асраб қолдирган қизларди мақолалар ёзилди, деган умидман. «Назонат» саҳифасида баҳс ва муноза-

раталаб мақолалар ўқини истардим.

— Бизнинг 138-алоқа бўлимимиз бандан қаватли ўйлар оралиғига жойлашган. Чилонзорнинг 13, 9, 23, 24-маъзеларига хизмат қиламиз, — дейди алоқа бўлими бошлиғи Людмила Недибоева. — Бугун бирварақайга беш нафар аёл «Тошкент оқшомини»га обуна бўлгани келибди. Обуна вақти сал узайтирилгани яхши бўлди. Газетонлар оқини кўпайиб бормоқда. Ҳали ёзилган турмушларини тетроқ ҳаракат қилсалар бизнинг ишларга ҳам енгиллик яратган бўладилар. Шу ўринда Рабияга муҳтож бўлган ота-оналарнинг тўтаётган ноқулайлиқлари ҳақида ёзилди, бошқа ўқувчиларини шундай хатолардан асраб қолдирган қизларди мақолалар ёзилди, деган умидман. «Назонат» саҳифасида баҳс ва муноза-

Гули АБДУЛЛАЕВА.

*** Меҳнат жамоаларида «ОМАД»НИНГ ХАЙРЛИ ҚАДАМИ**

БЕКТЕМИР районда яна бир кичик корхона — «Омад» ўз ш фаолиятини бошлаб юборди. «Узводремстройэксплуатация» бирлашмаси қошда ташкил қилинган бу корхонага Санджамол Тожиёв бошчилик қилмоқда.

«Омад» асосан пахта чиқиндиларини қайта ишлаш билан бир қаторда кўплаб замонавий қурилиш материалларини ҳам тайёрлаб беради. Бу ерда сотувага чиқарилаётган турли ҳажмдаги эшик ва ромлар, тўсин ва тахталар ҳамда қурилиш учун ишлатиладиган турли ҳажмдаги рейкелар ҳаридорлар томонидан яхши баҳоламмоқда.

«Ушбу махсулотларнинг нархи қиммат эмасми», деган саволимизга корхона раҳбари айуқ, унчаллик қиммат эмас. Ҳарқалай биз ҳозирги бозор иқтисодини қийинчиликларини ҳисобга олиб аҳолини бироз бўлсада арзонроқ материаллар билан таъминлашга ниҳат қилганимиз», деган жавобин берди.

Махсулотларини қўздан кечирганимиз. Чиндан ҳам улар, пухта-пихтилик, нарарининг арзонлиғи билан амралиб туради. Биз шу ерда бир неча қардорлар билан сўзлашиб, уларнинг янги корхонанинг махсулотларига бўлган талабларини диққат билан ўргандик. Ҳаридорлар бизга бу ерда чиқарилаётган қурилиш материалларини жонданган соҳиб олаётганликларини айтди. Улар келгусида корхона ўз фаолиятини янада кенгайтириши тарафдори эканликларини изҳор этишди.

Чиндан ҳам «Омад» томонидан тайёрланган қурилиш материалларининг 80 фо-

САМАРАЛИ МУОЛАЖАЛАР

АЛЛЕРГИЯ хасталиғи ўзининг ноҳуш томонлари билан инсон саломатлиғига салбий таъсир кўратади. Шу сабабли ҳам тиббий муолажаларда бу касалликнинг олдини олиш ва уни турти даволаш масаласига катта аҳамият берилмоқда.

Эндиликда бундай соғломлаштириш ишлари бевосита поликлиникаларнинг ўзида ҳам амалга оширилмақда. Тошкентнинг Миробод районидagi 1-поликлиника шифокорлар жамоаси ҳам бу борада нوراتли иш-

ларга қўл урди. Бу ерда махсус аллерголог кабинетини ташкил этишга киришишди.

Поликлиника ҳузурида кундузи стационар очилган. Унда муолажалар олиб бориш учун барча қулайликлар мунайиб этилган.

Шунингдек, ультратовуш ердамида даволаш ишларини йўлга қўйиш тadbирлари кўрилмоқда. Шу мақсадда ультратовуш диагностикаси аппаратини сотиб олиш кўзда тутилди.

Абдулла АХМЕДОВ.

СИФАТЛИ ВА АРЗОН

ТОШКЕНТ метаморчилик-қурилиш институти олимлари қурилиш ташкилотлари буюртмаларини адо этиш йўлида ҳам самарали излаш, катор йиллик дунёкорлик интиқилларини яратишга муваффақ бўлмоқдалар. Бунда олий ўқув юртининг «Иттиқод» ва қурилишда бошқарув кафедраси жамоасининг илмий-амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Узбекистон Давлат қурилиш тизимига қарашли қурилиш ташкилотлари томо-

дан бериллаётган буюртмалар устида ҳам жиддий ишлар олиб бориламоқда. Яқинда тайёрланган наобатдаги лойиҳалар ҳам бинокорларга манзур бўлди. Бу излашни туфайли қурилиш ташкилотлари анча маблағни текаш имконига эга бўлдилар.

Бундай ишланмалар илмий-тадқиқот институтлари тайёрлаб бераётган лойиҳаларга қараганда бирмунча арзонга тушмоқда.

Саодат ОДИЛОВА.

КУЗГИ ЧАҚИРИҚ МАСЪУЛИЯТИ

○ **Яқинда** Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида шаҳар чақирув комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда район ҳокимларининг ўринбосарлари ва шаҳардаги кўнгина хизматларнинг маҳалла комитетлари, аёллар кенгаши, соғлиқни сақлаш, маданият бот бошқармалари, савдо, транспорт, милиция, мудоффа ишлари бўйича

район бўлимларининг вакиллари қатнашдилар. Мажлисини Тошкент шаҳар Ҳокимиининг биринчи ўринбосари Ю. А. Асепков олиб борди.

Нигиланлар ҳузурида Тошкент шаҳар мудоффа ишлари бошқармасининг бошлиғи У. Х. Хасанов сўзга чиқиб баҳорги чақирув ишларини даволатиш режаларини тўлаётганларини ҳабардор қилди. У ўз сўзида

чақиривушчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида Узбекистон Республикасининг «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги «Муюқонд хизмат тўғрисида»ги йилги Қонуларини кенг ишларини кулоқ ёйдиришга тўлаётганларининг эътиборини қаратди.

Ташкилий масалаларни ҳал қилиш чоғида Ю. А. Асепков ана шу муҳим тадбирга таърибали мувақкасизларни жалоб этиш керакли-

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Мелина» трикотаж тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида қарийб 30 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келатган Ҳалима Нажмиддиновани корхонада хурмат билан тилга олишди. Чунки у шу йиллар мобайнида нафақат яхши ишлади, балки бир қанча ёшларни ҳам ўз касбига ўргатди. Шунингдек у Меҳнат фахрийси унвонига ҳам сазовор бўлганлардан.

СУРАТДА: Ҳалима Нажмиддинова, Рустам Шарипов сурати.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Яна бир бор эслатиб ўтаёмиз:

- **Бир йиллик обуна** нархи — 310 сўм.
- **Олти ойга** — 255 сўм.
- **Уч ойга** — 127 сўм 80 тенг.

○ **Бир ойга** — 41 сўм 80 тенг.

«Тошкент оқшомини» Узбекистонда янги уч-тўрт нафарлар қаторида ҳафтасига беш маргадан чиқадиган газета эканлигини унутманг!

Ушбу рақам «Тошкент оқшомининг» нашр кўрсаткичидир. Газетага 1993 йилги обуна 20 ноялргача узайтирилди. Обунани расмийлаштиришга шошилинг!

64690

Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги БУЛОҚ СУВИДЕК МУСАФФО ҚАЛБ

АЛИШЕР Назоий номидаги Давлат адабиёт музейида йирик давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг муборак 75 йиллигига бағишлаб кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмадан ўрин олган ҳужжатлар, матнлар, материаллар, суратлар, китоблар ёзувчи босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли ҳақида томошабинга бой маълумот беради.



Суратлар... Суратлар турли йилларга оид бўлиб, ёзувчи ва давлат арбоби ҳаётининг айрим дақиқаларини мангунликка муҳрлаган. Уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Чунинчи, Шароф Рашидов — Ватан олдида ҳарбий бурчини ўтаётган ватанпарвар, жангчи, таниқли адиб, йирик давлат арбоби. Булардан Шароф Рашидов машҳур Чили шоири Пабло Неруда (1965), турк ёзувчиси Нозим Хикमत (1959), рус ёзувчиси Николай Тихонов (1959), йирик давлат арбоби Фидель Кастро (1963) билан биргаликда хотира учун тушган суратлар муҳлислари бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, кўргазмада «Ш. Рашидов Тошкент шаҳри марказининг қайта қуриш лойиҳаси муҳокамасида» (1964), «Ш. Рашидов Ўзбекистон Ёзувчилари уюشمаси раиси» (1949), «Ш. Рашидов Осн ва Африка ёзувчилари конференциясини очмоқда» (1958) номли суратлар ҳам бор.

Айниқса, бўлажак адиб фронтга кўчирилган вақтда вокзалда отаси билан биргаликда хотира учун тушган сурати, кейинчалик у ҳукумат раҳбари сифатида Ўзбекистон Республикаси Файллар академияси президенти Ҳабиб Абдуллаевга юксак мукофотини топшираётган олдари ўнда акс эттирган сурат томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада китобларга ҳам кенг ўрин берилган. Ойнаванд тоқчаларда ижодкорнинг турли йилларда яратган «Ғолиблар» (1953), «Вўрондан кучли» (1958), «Нашир қўшиғи» (1970), «Танланган асарлар», 1—4-жилд (1981—1982) номли китоблари муносиб ўрин эгаллаган. Шунингдек, бу ерга адибнинг чет тилларга таржима қилинган асарлари ҳам қўйилган. Улар рус тилидаги «Сильнее бури» (1958), «Победа» (1976), «Могучая волна» (1964), қирғиз тилидаги «Нубутату толқун» (1970), украин тилидаги «Могучия хвиля» (1972), мўғул тилидаги «Сэтэлийн давалтаа» (1977) кабилардир.

Кўргазмадан шунингдек, адабиётшунос Шухрат Усмоновнинг «Истердоқнинг олмос қирралари» (1982) ва ёзув-


чининг укаси Асил Рашидовнинг «Анам ҳақида» (1992) номли рисоалари ҳам ўрин олган.

Бу кўргазмада совғалар ҳам намоиш этилмоқда. Совғалар элининг фидойи фарзандига бўлган халқимизнинг чўқур муҳаббатининг ёрқин тинимлидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Шарқ гули» бирлашмаси меҳнат жамоаси томонидан музейга совға қилинган халқ амалии санъатининг намунаси бўлган гулдор палак ва унинг марказий қисмига каштачи расмолар рангли инакларда тиккан адиб сиймоси эътиборга лойиқдир.

Албатта, кўргазмага ижодкорни яқиндан таниган ва билган кишиларнинг ҳам хотиралари матнли материаллар тарзида томошабинлар ҳўқмига ҳавола этилган. Шулардан академик Восил Қўболов, ёзувчи Мақсуд Қориев, журналист Имомал Сулаймоновнинг Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралари, дил сўзлари ҳозирги авлод учун жуда ҳам ибратлидир. Таниқли журналист, кўп йиллар «Кўшлўқ ҳақиқати» газетасига муҳаррирлик қилган Имомал Сулаймонов кўп йиллар Шароф Рашидов раҳбарлигида ишлаш бахтига муносиб бўлганларидан. У кишининг хотираларида шундай мисралар ёзилган: «...Унинг ҳаёти фақат меҳнат ва меҳнат билан ўтди. На роҳатин, на машаққат биларди. Булоқ сувидек мусаффо қалб эгаси эди... Улуг ва камтар инсон эди...»

Ҳа, меҳнатқаш, фидойи ва камтар инсонлар ҳамиша эл ардоғида бўлади. Шароф Рашидов ана шундай хўрмат ва бахтга муяссар бўлган нурилий сиймо эди. Бундай кишилар ҳеч қачон ўмалдидалар, халқ хўжрасида мангунлиқлардан, дарҳақиқат Шароф Рашидовнинг ибратли ҳаёт йўли, қўлларини адабий мероси билан ҳозирда ўзининг иккинчи умрини яшамоқда. Адабиёт музейидаги жонли кўргазма бундай далиллар.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Темир ҚУРБОНОВ,
СУРАТЛАРДА: Кўргазма залларида,
Андрей Пинтешко суратлари.



ҚИЗГИН НИШОНЛАШДИ

Тошкентдаги Абу Райхон Бериуний номли 243-ўрта мактаб жамоаси учун 75 йиллик кенг нишонланган Шароф Рашидовнинг номи айнисса азиз. Чунки ун тўққиз йил муқаддам у киши бу ерда бўлган, янги мактаб очилшида да шитроқ этиб, муаллимларга муваффақиятлар тиллаган эдилар.

3 ноябрь куни Собир Рахимов райони маорифчилари, меҳнат фахрийлари, Абдулла Авлоний номлидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари, Ш. Рашидовнинг қариндош-уруғлари, неваралари мактаб жамоаси тузалган тўққиз йилликни хотирлаб, унинг халқ таълимига, санъатимиз ривожига — неқадар жонқур бўлганлигини таъкидлаб ўтишди. Хўшоов хонанда Матлуба Дадабоева ҳамда Ўзбекистон давлат телерадиокорпорацияси директори кизлар дастеси азозлири Шароф Рашидов шеърлари бастанган кўшакларни киритди. Республика хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев ўз бағишловини «Шукронани» деб атади.

Қизқарли ўган хотира кечаси ниҳосида мактабнинг юқори синф ўқувчилари адибнинг «Йилки дил достони», «Кудратли тўлиқ» ва «Нашир қўшиғи» асарлари асосида тайёрланган сахна кўринишларини намоиш этишди.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

* Тошкент тўқимачилик комбинатида

МАОШЛАР ОШИРИЛДИ

«ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори комбинат ишчиларининг маошларини ошириш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. Натикада бирлашма бўйича энг кам иш ҳақи 2000 сўм этиб белгиланди.

Бундан ташқари нарх-навонинг кўн сайини ошиб бораётганини ҳисобга олиб корхона ишчиларига кўнлик овқатланш учун берилган 15 сўмлик талонларнинг миқдори 25 сўмга етказилди.

ИШГА ТУШИРИЛДИ

ЯНГИ ташкил этилган пардозлаш фабрикасида қўлай ва замонавий техникаларни ўрнатиш қизгин давом этмоқда. Тажрибали мутахассис Евгений Аношкин бошлиқ чиқарглар бригадаси томонидан шу кўнга қадар ўрнатилган бўйиш ва қайнатилган агрегатлари, пишитиш машиналари бугун маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

САЛОМАТЛИК—ТУМАН БОЙЛИК

КОРХОНАДА ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини сақлаш дами олийини ташкил этиш ишларига кенг эътибор берилмоқда. Бу талбирларга бош-юш бўлаётган бирлашма касаб уюشمаси томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида корхона даволаш муассасасида мингдан ортқ киши соғлигини тиклади. 100 га яқин меҳнатқашларга санаторийларда даволаш ва келиши учун йўланмалар берилди.

Бундан ташқари айрим хасталиклар билан оғирган ишчилардан 500 тасига парҳез таомлар ошхонасида тамадди қилишлари учун имконият яратиб берилди.

Шўқур ЗОИДОВ.



* Ўзбекистон ва жаҳон

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛИ

ЎЗБЕКISTON Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигида Австрия мамлакатига таширф буюрган делегация тарихида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев ҳам бор эди. Биз яқинда у билан узралиб, ушбу сафар тасвиротлари ва республикамизнинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари ҳақида гапладик.

— Соҳиб ака, Ўзбекистон ҳукумати делегациясини қайси мамлакатда бўлмасин ташқи иқтисодий алоқалар вазирини ёки муовинларидан бири албатта делегация билан ўша мамлакатта таширф буюради. Чунки ташқи иқтисодий алоқалар ҳозирги кўнда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий энг биринчи олиб бораётган ишлардан биридир. Матлўумки, сўнги вақтларда Президентимиз бошчилигидаги давлат делегациялари қатор мамлакатларда бўлиб келди. Жўн-ладан Жакубий Корея, Малайзия, Индонезия мамлакатлари бўлиб бир ҳафталик сафарлар бўлди. Ундан кейин Покистон сафари бўлди. Сиз вазирининг биринчи муовини сифатида айта оласизми, ана шундай сафарлар натижасида олиб бораётган ташқи иқтисодий алоқалар самараси қандай бўлади?

— Тўғри айтдингиз. Давлатлараро иқтисодий алоқалар устивор аҳамиятга эга бўлган нарсалар. Чунки иқтисодий муҳим давлатлар орасида битимлар тузиш, улар олдида расмий муносабатларни вуқудга келтириш демокдир. Шу билан бирига иккинчи мамлакат орасидаги бўлган ҳамкорлигининг асосий қўриниши бу — иқтисодий алоқалар савияси даражасидир. Ана шунинг учун ҳам у киши бу мамлакатта бораётган битимлар тарихига бизнинг вазирликдан аъзо киритилди.

Шу таширфга таралдуд вақтида вазирликнинг мутахассис ходимлари фаол қатнашдилар. Биринчидан улар ўша мамлакатдаги аҳволий шўқур ўрганади. Республика раҳбариятига уни таҳлил қилиб қай соҳаларда, қай йўналишларда улар билан иқтисодий алоқалар олиб боришимиз маъқул эканлигини тавсия қилади. Иккинчидан, ўша ердаги ташқи иқтисодий алоқалар учун маъсул бўлган шахслар билан битим, шартнома ва бошқаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Мана энди умумий гапдан бу таширфларнинг самарадорлигига келсан, у жуда каттадир. Масалан, Жакубий Кореядан «Самсуин» ва «Дау» фирмалари Ўзбекистонда фаолиятини ниҳоятда кенг йўсунда бошлади. «Самсуин» фирмаси тўқимачилик, электр асбоб ускуналари, гелатинга қарши вакциналар ишлаб чиқариш ва ниҳоят кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхоналар қуришга киришди.

«Дау» фирмаси Андижонда автомобил ишлаб чиқарадиган кўшма корхона қуришда ва Тошкентдаги корхоналардан бирида рангли телевизорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Бу ниҳоятда катта самара берадиган иш. Шунингдек Жакубий Кореянинг бошқа фирмалари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилади.

Индонезия бўйича айтимизки муноқиша, уч йил давомида 50 миллион доллар бўйича товар айришилди ҳақида шартнома тўзланди. Бу шартномага бинаман Ўзбекистонга мунтазал равишда чой, гуруч ва бошқа халқ истеъмоди моллари келади. Яъни, Ўзбекистоннинг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини Индонезия орқали қондирсан деган умиддамиз.

Ўшлар иттифоқи ташкилотларида ИЖОДКОР ЁШЛАРГА КЕРАГИ ЙЎҚ ЭМИШ

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ ва муносиб ёрдамчи бўлиш кўнда ҳам иккинчи ҳам «собиқ» дан фарқли ўлароқ, мушқил ташкилот сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Хўш, унинг бошланғич ташкилотларидаги ахвол қандай? Қисқа муддат ичида Ёшлар Иттифоқининг спортчилар тили билан ётган «рейтинги» қай даражада ўсиб ётди пасайди? Бу саволларга муштарийлар газетамизнинг деярли ҳар бир сониде «Ёшлар Иттифоқи ташкилотларида» руқни остида бериб бораётган хабарлар, мақолалардан маълум бир хўлоса чиқаришлари мумкин.

Бугун эса биз шахримиздаги санъат, маданият ходимларини тайёрлашга иқтисодлашган уч институт ҳаётига назар ташламоқчимиз.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи тарихи топган дастлабки пайтларда, сир эмаски, кўпчилик унга комсомол ишини давом эттириши, кимнингдир кўрсатмалари асосида ашовчи ташкилот сифатида ишонқармай қараганди, — дейди Нозим Қосимов.

— Шу босис ҳам фаолиятимизни талаблар ўртасида Ёшлар Иттифоқининг ўз олдида кўйган мақсад ва вазифалари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришдан бошлашимизга тўғри келди. Аввалига осон бўлмади, албатта. Лекин аста-секин улар бизга ишонч билдирдилар, кўплай талабларимиз ҳеч бир тортинмай келиб ўларни қийнаётган масалалар юзасидан маслаҳатлашадиган бўлиди.

— Тушунтириш ишлари қай йўсунда олиб борилади?

— Бу ўринда, албатте, қуруқ гап-сўз билан бирор натижга эришиш мушқул. Шунинг учун ҳам биз, асосан амалии ишларимиз билан имкониятларимиз ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Масалан, илгарилари комсомол аъзолари тўлаётган бадалларнинг қарға ва нима мақсадларда сўрфланганлиги ҳақида ҳеч бир тасавуруга эга эмасдилар. Банқда ҳисоб рақимизини очиб, аъзолик бадалларини сўғити тийингича ўз эҳтиёлларимиз йўлда сўрфлаётганимиз, қолверса, талабларнинг ўзларидаги маблагларини тартибга солиш назорат комиссиясини тузганимиз катта ютуғимиз бўлди.

Ҳа, нафақат республикамиз, балки қатор хоржини мамлакатлар учун ҳам мутахассислар тайёрлаб бераётган маданият институти Ёшлар Иттифоқи комитети талабаларини борма муаммо ва таваншларини ҳал этмоқчи ўз зиммасига олган. Эндиликда улар бирин-бир тадбир уюштирмоқда. Адебал тоғиш учун юқори ташкилотларга югурмадилар, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оилавий шароити оғир ишларнинг кўнрагидан иттирийдилар. Аксинча, биз Нозим Қосимовнинг ши стили устида ана шундай ёрдамга муҳтож талабалардан тушган қатор арзаларини кўриб, уларга тез кўнларда яқиндан ёрдам берилшига ҳам ишонимиз комли. Шунингдек, атоқхоналарда спорт бурчаклари, дам олиш хоналарининг ташкил этилганлиги, аниқлардан келиб тақдир олаётган 820 талабанин ойлқк озиқ-овқат нормаларини тарқатиши ўз елкаларига олганликларини, ижарада истиқомат қилувчиларнинг қонидан хабар олиб турганликларини, ўқиш жарафини, бўш вақтдан унумли фойдаланиши йўлга қўйиш хўсусындаги сай-ҳаракатлари ҳам диққатга сазовордир. Улар-

Ҳамма ерда бўлгани каби «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳам ўз илгорлари бор. Шулардан бири Зебо Раҳматуллаевадир. Унинг корхонада ишлаётганина 5 йил бўлди. Бу корхонада танилш учун унча катта муддат эмас. Шўнга қарамасдан у шу йиллар ичида бирлашма илгорлари қаторидан ўрин олди.

Рустам Шарипов
сурати.

Нима ҳам дердик? Сўхбатдошимиз инсон сифатида ўз шахсий мулоҳазаларига эга бўлиш ҳўқуқига эгалар. Лекин ўзлари айтганидек, ҳаётининг беш йилли ишлар сифатида бахшида этган инсоннинг ЕИни фақат мажлисбозликдан иборат дея тушуналгани бироз эриш туюлди.

МАННОН Уйғур номлидаги Тошкент давлат санъат институти қардон масканлардан бири. Бир неча йил давомида институт ишларига Олег Шиповаленко, Хўсан Саидовнинг бошчилик қилиб келдилар. Ёшларнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб тадбирлар, болелар уйлари, истироҳат боғларида концертлар уюштирилди. Комитет жойлашган кичкингина хона талабаларнинг энг сеvimли масканларидан бири бўлиб қолганди.

Минг афсуски, хона деразаларига темирдан панжара ўрнатиб, қичга компьютерлар жойлаштирилган, комитет аввалига ётоқхонага қўйиб ўтди. Сўнгра ўз-ўзидан ётоқхонанинг йўқ бўлиб кетди. Негел Нима учун? Шу саволлар билан институт ректорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Ботир Менаждиёвга мурожаат қилдик. Кўнганимизда тайинли бир жаов беришга муваффақ бўлмолидик. Бу хўрматли долмадан зинтиганимиз фақат, «Бу талабаларнинг бош оғрини, бизники эмас», деган мазмундаги сўзлар бўлди. «Институт раҳбарияти-чи? Сизлар уларни кўплай-кўпайлашнинг керак эмасми? Яна сўкут. Яна норозилик ифодаси акс этган нигоҳ. Қизик, илгарилари институт миқсисида бирор-бир тадбир ўтказилса Ёшлар Иттифоқи (ўшанда у хали комсомол деб юритиларди) балогардон эдик. Маълум бир саналарга бағишлаб уюштирилган кечалар, бахслар, мулоқотларнинг ҳам ташаббускорни мана шу ташкилот эмасмики? Энди-чи?

Албатта Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотларини тузиш иттирий равишда амалга оширилмоғи лозим. Лекин санъаткорга бундай ташкилот керакми, деган савол туғилшининг ўзи жуда ноўрин. Истердикки, Мухтор Ашрафий номлидаги Тошкент давлат консерваторияси ва Маннон Уйғур номлидаги санъат институти раҳбарлари, талабалари (шунчаки қизикши юзасидан бўлсада) Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг Ҳаракат Дестури ва Нишонин билан танилгани чиксалар (албатта унинг қабул қилинганлиги бир йилча бўлиб қолди). Бундан ташқари, маънавият вазифани эса барчамиз ҳамжиҳатдан биланганиа рўйбга чиқаришимиз мумкин. Улкан, метин тоғлар ҳам каттаю кичик тошлардан таркиб топади. Еки сиз биргина тошни тоғ деб атаганларини кўрганмисиз?

Шўқрат АРМОН.

ИБРАТЛИ одалариниз, ҳикоятлариниз фарзандларинизга етказиш таълим-тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

ларинизнинг газета саҳифаларида баён қилиниши айни мўъжа бўлади.

қеа бевосита халқ оғзидан даврдан даврга ўтиб келадиган фарзандлариниз учун айтилган дарс бўлган.



«Қалай, ярашибдими? Катта бўлсам полвон бўлиш ниятим бор...»

Содиқжон Маҳмамов сурат-лаҳзаси.

Наботот оламида ҚУРИТИЛГАН ПИЁЗ

ПИЁЗ дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида кўп экиладиган усимлик бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида кенг қўлланади.

«02» хабар беради

Шу йилнинг 19—25 октябр кунлари пойтахтда 368 марта жинояткорона ҳаракатлар қайд этилди.

19 октябр кунини соат 18 да Ички ишлар бошқармасининг навбatchesлик қисмига берилган ҳабарда айтилишича,

22 октябр кунини Янқасарой район ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган махсус тадбир пайтида Панченко кўчасида яшовчи 24 йили йилгит ўз уйда 2 килограмм микродорегги күкнори гивҳандлик моддаси ва ичига суяқлик туғдирлар доринилар билан ушланган.

23 октябр тунда нотаниш кимса Улуғбек қишлоғида жойлашган 54-мактаб ошқонасига кириб 9,356 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўмарган.

21 октябр кечки пайт Максим Горький шоҳқўчасида жойлашган 9-озиқ-овқат дўконининг сигнализациясига тўстатдан ишлаб қолди.

20 октябр тушлик маҳали Эски Жува бозори ёнидаги «Болалар дунёси» дўкони атрофида кекса кишининг чунтагидан 5,000 сўм пулини ўғирлаган, ҳеч қандай ишлага йўналмаган 22, 20 ва 18 йили ўз ўсим қўлга олинди.

21 октябр кечки пайт Максим Горький шоҳқўчасида жойлашган 9-озиқ-овқат дўконининг сигнализациясига тўстатдан ишлаб қолди.

20 октябр тушлик маҳали Эски Жува бозори ёнидаги «Болалар дунёси» дўкони атрофида кекса кишининг чунтагидан 5,000 сўм пулини ўғирлаган, ҳеч қандай ишлага йўналмаган 22, 20 ва 18 йили ўз ўсим қўлга олинди.

21 октябр кечки пайт Максим Горький шоҳқўчасида жойлашган 9-озиқ-овқат дўконининг сигнализациясига тўстатдан ишлаб қолди.

20 октябр тушлик маҳали Эски Жува бозори ёнидаги «Болалар дунёси» дўкони атрофида кекса кишининг чунтагидан 5,000 сўм пулини ўғирлаган, ҳеч қандай ишлага йўналмаган 22, 20 ва 18 йили ўз ўсим қўлга олинди.

21 октябр кечки пайт Максим Горький шоҳқўчасида жойлашган 9-озиқ-овқат дўконининг сигнализациясига тўстатдан ишлаб қолди.

Кўпчилик ичнда одоб-ахлоқ, одамгарчиликдан сузлаш халқнинг тўғри йўлга чорлашда фойдаланишнинг мажбурлиги айни шу кунларда бизга сув билан ҳаводек зарур.

пок бўлганлиги учун «Олтиннинг эгаси топилиб қолар», — деб эътибор ҳам беришмади.

Дилкаш суҳбатлар

БЕБАҲО ДУРДОНАЛАР—

ФАРЗАНДЛАРГА

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

Дилкаш суҳбатлар

БЕБАҲО ДУРДОНАЛАР—

ФАРЗАНДЛАРГА

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

— Уғлим, ваъда қилинган юз тилловнинг ўрнига 90 тилло берсам майлими?

— Узингиз биласиз отахон.

— Саксон тилло берсам-чи?

— Хоҳлаганингиз, ихтиёр ўзингизда.

БОҚҚА ПАРВАРИШ КЕРАК

БОЗОР иқтисодий ҳар бир оилани тежамкорликка, олма жамғармасига ҳар бир сўмин ўз ўрнида ишлатишга мажбур қилади.

олма, нок, боғчаларни зарарлайди. Улар усимлик ширасини сўриб яшайди.

Биз ҳамшаҳарларимизга маълум бўлиш мақсадида шаҳар усимликларини ҳимоя қилиш станцияси мутахассисларини ҳамкорликка чақирган эдик.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

Куз юмушлари

қоқландарни орасида қишлайди. Қуқландар усимликда шира ҳаракати бошланиши билан кана ҳам ўз ишига киришади.

ОЛМА ҚУРТИ — уруғларини барчасини зарарлайди.

КЕЛТУС — учрашувимизда қандай курашчи усулларидан фойдаланиш лозимлиги ҳақида сўзлашганимиз.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

БУЗОҚБОШЛИ — тупроқ ичда дархат илдизларини келтириб яшайди.

УСИМЛИК БИТИ — барча мева дарактларига, жумладан олма, нок ва бехига зарар келтиради.

TOHKENT OQSHOMI. MUASSISLAR: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқишони» журналистларининг жамоаси. МАНЗАЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва яшанбадан ташқир ҳар кун ўзбек тилида чиқади. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 32-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-53-34, 33-56-67. Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрият-матбаачилик концернининг босмахонаси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР. АБИТУРИЕНТ — 93, СИЗЛАР УЧУН. Ўзбекистон «Зиё» жамияти олий техник ўқув юрталарига кирувчилар учун кириш имтиҳони олинмаган фанлар бўйича шартнома асосида пуллик индивидуал дорс беришни уюштиради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Тошкентнинг Республика отчопаридаги кийим-кечаклар бозори. 1992 йил 31 октябрдан бошлаб шанба ва яшанба кунлари ҳафтасига икки кунлик иш режимида ўтади.

СОТИЛАДИ. «Легница» пианиноси (Польша маҳсулоти); «Ганка» гарнитуриси (Польша маҳсулоти); «Мелодия-3» аккордеони (Чехословакия маҳсулоти).

Якқасарой райони Мувофиқлаш-ахборот маркази қуйидаги хизматларни кўрсатади: мулкчиликнинг ҳар хил турларига хос тижорат тузилмаларини рўйхатга олиш бўйича ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш ва маслаҳат бериш (кичик, хусусий корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКДА МАКТАБ ЎЗУВЧИЛАРИНИНГ КУЗГИ ТАЪЛИМ КУНЛАРИДА РАЙОН БАРАНГ ЦИРК ДАСТУРИ (12, 15.00).

Тошкент шаҳар Миробод район солиқни сақлаш бўлимининг 1-поликлиникаси жамоаси 1-поликлиниканинг солиқ бош шифокори, уруш ва меҳнат фавқийси дашлоган Мухтор Одилович АБАРОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайгу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билан изҳор қилади.

«Илқ йўли» Урта Оснб ва Қозғонистан акционерлик ишбилармонлар жамияти жамоаси шу жамият ходими М. Зоҳидовга отаси Миробит Зоҳидовнинг вафот этганлигини муносибати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узкултор» Тошкент виллоятларо улғурини савдо базаси жамоаси Тошкентнинг оғир мудир Эргаш Гуломович АЛИМХОНОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайгу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билан изҳор қилади.